

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМIIЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМIIЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАРШИЕВА ЭЛНОРА ЭЛБЕКОВНА

**ЦЕРВИКАЛ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Каршиева Элнара Элбековна

Цервикал интраэпителиал неоплазияни таъхислаш ва даволашни
такомиллаштириш 5

Каршиева Элнара Элбековна

Совершенствование диагностики и лечения цервикальной
интраэпителиальной неоплазии 25

Karshieva Elnora Elbekovna

Improving the diagnosis and treatment of cervical intraepithelial neoplasia
..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published scientific works 49

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАРШИЕВА ЭЛНОРА ЭЛБЕКОВНА

**ЦЕРВИКАЛ ИНТРАЭПИТЕЛИАЛ НЕОПЛАЗИЯНИ ТАШХИСЛАШ ВА
ДАВОЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияен мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib1817 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.


Илмий раҳбар	Каттаходжаева Махмуда Хамдамовна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Каримова Нилуфар Набижановна тиббиёт фанлари доктори, доцент Алнева Дилфуза Абдуллаевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот	Наварра халқ университети, Испания


Диссертация химояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.04/30.04.2022.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил « 8 » сентябрь соат 12³⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1 уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб саҳифа: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).


Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (96 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий шох кўчаси, 1 уй. Тел./факс: +99865 223-00-50, Веб саҳифа: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2023 йил « _____ » _____ кунни тарқатилган.
(2023 йил « _____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)




Д.И. Тўхсанова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ранси ўринбосари, тиббиёт фанлари
доктори (DSc), профессор


Н.Ш. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори (DSc), доцент


Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар ранси, тиббиёт
фанлари доктори (DSc), профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг аҳамияти ва долзарблиги. Ҳар йили дунёда ушбу касалликнинг 371 000 га яқин ҳолати қайд этилиб, аёллардаги барча хавфли ўсмаларнинг 14,2 % ни ташкил қилади ва 190 000 га яқин ҳолатларда ўлимга олиб келиши қайд этилган. Гинекология фани ва амалиёти ривожланишининг замонавий босқичида, шубҳасиз, бачадон бўйни саратонининг энг кенг тарқалган сабаби сифатида ясси эпителийнинг ўсма олди жараёнлари, яъни бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси келтирилади ва у барча гинекологик касалликларнинг 60-70% ини ташкил этади. В.Н. Прилепская ва ҳаммуаллифлар (2016), ҳамда Роговская С. И. (2019) маълумотларига кўра, цервикал интраэпителиал неоплазия (ЦИН) - бачадон бўйни кўп қаватли ясси эпителийсининг дифференциалланиши ва етилишнинг бузилиши билан характерланадиган касалликлар гуруҳидир. Бачадон бўйни дисплазиясининг асосий морфологик белгилари: пролиферация жараёнларининг фаоллашиши ва хужайра атипиясининг пайдо бўлиши; ядролар қутбланишининг йўқолиши, уларнинг базал ориентациясининг йўқолиши; хужайралар ва ядроларнинг полиморфизмининг пайдо бўлиши, хужайра етилишининг бузилиши ва ядроларнинг аномалиялари, митозлар сонининг кўпайиши, шу жумладан атипик шаклларнинг пайдо бўлишидир.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...бачадон бўйни саратони аёллар азият чекадиган энг кенг тарқалган онкологик касалликлар орасида иккинчи ўринда туради...»¹. Бир неча йиллар давомида давом этадиган бундай морфоструктуравий касалликлар оқибатда бачадон бўйни саратони ривожланиши юзага келиши мумкин. Тиббиёт фани ва амалиётининг ҳозирги босқичида, олимлар генитал трактнинг бошқа инфекциялари билан бирга одам папиллома вирусининг (ОПВ) бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси ва бачадон бўйни саратони ривожланишининг асосий сабабларидан бири сифатида тан олишади. Турли вируслар билан боғлиқ бўлган бачадон бўйни хавфсиз ўсмаларни даволаш усулини танлаш муаммосининг долзарблиги нафақат репродуктив ёшдаги аёлларда гинекологик патология тузилишидаги юқори частотаси, балки, ушбу патологиянинг репродуктив функцияни амалга ошириш имкониятининг пасайишига қўшган ҳиссаси билан ҳам боғлиқ.

Бачадон бўйни саратони муаммоси Ўзбекистон учун ҳам долзарб бўлиб, Республика Онкология илмий-амалий маркази маълумотларига кўра, а сўнгги йилларда ҳар йили ушбу касаллик оқибатида тахминан 700-800 аёл вафот этади. Ушбу касаллик патогенези, диагностикаси ва скрининги масалалари бўйича жуда кўп тадқиқотлар ўтказилган. Репродуктив ёшдаги аёллар орасида ЦИН нинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш усулларини такомиллаштириш бўйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган. Бугунги кунда ЦИН ва бачадон бўйни саратонининг асосий этиологик омили бўлган ОПВ нинг юқиш йўллари маълум бўлиши, ривожланиш механизмлари жуда чуқур

¹Жаҳон Соғлиқни сақлаш Ташкилотининг ҳисоботи, 2022. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/cervical-cancer>

ўрганилганлиги, патологиянинг бирламчи ва иккиламчи олдини олиш чоралари маълум бўлишига қарамай, касалланиш даражаси ўсиш тенденциясига эга. Тажриба шуни кўрсатадики, скрининг имкониятлари тўлақонли даражада ишлатилмайди. Скрининг тўлақонли амалга оширилмаганлиги натижасида бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси ҳамда текширувдан ўтказилиши, муҳим бўлган юқори хавф гуруҳларида касаллик ривожланиши учун хавф омилларини аниқлаш усулларини такомиллаштириш, репродуктив ёшдаги аёллар учун скрининг назорати тизимини ишлаб чиқиш, ЦИН оғирлик даражасига қараб даволаш усулларини такомиллаштириш мутахассислар олдида турган долзарб муаммолардан биридир.

Республикамизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва олдини олиш, республика аҳолисига онкологик ёрдам сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳолига ихтисослаштирилган тиббий хизматни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947², «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги, 2018-йил 7 декабрдаги ПФ-5590 «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 20-июндаги ПҚ-3071 «2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий хизматни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ҳамда 2019-йил 8-ноябрдаги ПҚ-4513 сонли "Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладор аёллар ва болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини ошириш ва қамровини янада кенгайтириш тўғрисида" ги қарорларида: - «аҳолининг юқори сифатли ва самарали тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш»³ тўғрисида алоҳида таъкидланган. Шу нуқтаи назардан, инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда бачадон бўйни саратонидан олдинги касалликларини даволашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш каби масалалар ўта муҳим ва долзарб бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиясини ривожлантиришнинг устувор йўналиши доирасида амалга оширилди. VI. «Тиббиёт ва фармакология».

Муаммони ўрганилганлик даражаси. 1953 йилда Reagan J.W. C-r in situ ва нормал бачадон бўйни эпителийси ўртасида оралик позицияни эгаллаган

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 7 йил 2017 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ПФ-4947 сонли фармони. (30.04.2021 йилдаги ўзгартиш ва қўшимчалар билан)

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги "2017-2017 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3071-сонли қарори

шикастланишнинг цитологик ва гистологик спектрини ўз ичига олган "дисплазия" атамасини таклиф қилди. Бундай ҳолда ҳужайра етилиш жараёнининг бузилиши ҳамда базал мембрананинг жароҳатланмасдан нормал жойлашуви кузатилади (Байрамова Г.Р., 2017; Косенко И.А., 2016; Унанян А.А., 2012; Fokter A., 2015, Huz 2015, Schmidt D., 2016). Бачадон бўйни патологиясининг структурасида кўпинча малигнизация жараёни кузатиладиган бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси (ЦИН) муҳим ўринни эгаллайди (Торчинов А.М., Умаханова М.М., ва бошқ. 2015). Бачадон бўйни онкологик ўзгариши репродуктив ёшдаги беморларда туғиш функциясини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда алоҳида аҳамиятга эга (Роговская С.И., Липова Е.В. 2014).

Айниқса, тадқиқотларнинг кўпчилиги ОПВниг бачадон бўйнининг саратон олди патологик жараёнларнинг ҳамда саратон ривожлантириши ва прогрессиясидаги ролини ўрганишга бағишланган (Белокриницкая Т.Е., 2017; Бестаев Н.В., 2013; Зуева Т.П., 2021; Косенко И.А., 2016; Обоскалова Т.А., 2013; Arbin M., 2013, Benevolo M., 2018, Carrozzi F., 2013, Leon-Maldonado L., 2016, Roik E.E. 2019). ЦИН патогенези, папилломовирус инфекциясининг ўрни, ўзбек аёллари популяциясида бачадон бўйни хавфсиз ўсмалари ва саратон олди касалликларини скрининг ва даволашга бағишланган маҳаллий олимлар тадқиқотлари ўрганилган муаммодан четда қолмади (Каландарова А.И., 2021; Ихтиярова Г.А. 2012; Каттаходжаева М.Х., 2020; Наврузова Н.О., 2020; Мамадалиева Г.И., 2022). Кўпгина мамлакатларнинг йирик университет клиникаларида рандомизацияланган тадқиқотлар, мета-таҳлиллар ўтказилиб, улар асосида кўрсатмалар, протоколлар, скрининг бўйича тавсиялар, натижаларни интерпретация қилиш, аёлларда ЦИН диагностикаси ва даволаш усуллари ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар амалга оширилган.

Шуни таъкидлаш керакки, ЦИН ни аниқланишида даволашнинг амалдаги тактикаси ҳар хил бўлиб, ОПВ тести ҳамда цитологик назорат кузатувдан бирламчи, такрорий эксцизия ва ҳатто гистерэктомия қадар фарқ қилади. Даволаш тактикасининг бундай ўзгариши табақалаштирилган тактикани амалга оширишда энг самарали ёндашувларни аниқлаш ва танлаш учун патогенетик асослаш зарурлигини кўрсатади. Шунингдек, ўзбек аёллари аҳолисига хос бўлган хавфни олдиндан айтиш, уларни бирламчи текшириш мақсадида хавф гуруҳларини аниқлаш ва саратон хавфи баланд бўлган гуруҳларни шакллантириш каби масалалар батафсил кўриб чиқилиши керак. Электрожарроҳлик мулоажага тайёрлаш, шунингдек операциядан кейинги даврда реабилитация тадбирларини амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бачадон бўйни ва қиннинг дастлабки микробиотик ва иммун ҳолатини ўрганиш масалалари амалий соғлиқни сақлаш тизими учун катта аҳамиятга эга бўлиб, ЦИН ни даволаш пайтида аҳамиятлр ҳисобланади.

Бугунги кунда 2-3 даражадаги ЦИН ни даволашнинг энг кенг тарқалган усуллари турли хил жарроҳлик даволаш усуллари: электрокоагуляция, радиотўлқинли жарроҳлик, лазер ва криодеструкция, бачадон бўйни зарарланган ҳудудларини йўқ қилиш ва олиб ташлашга қаратилган диатермокоагуляция (Титов Д.С., 2016, Santesso N., 2016; Keppler D., 2015).

Адабиётларга кўра, радиотўлқин усули ёрдамида даволаш самарадорлиги 79,4%, криодеструкция билан – 54,8-92,6%, лазер вапоризация усули ёрдамида – 60-90% ва диатермокоагуляция билан – 55% ни ташкил қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, ЦИН ривожланишининг башоратчиларини янада ўрганиш, хавф гуруҳларини аниқлаш ва шакллантириш, генитал органларнинг микробиоценозини ўрганиш, бачадон бўйни неоплазиясини даволашнинг янги, самарали усулларини патогенетик асослаш назария ва амалиёт нуқтаи назаридан жуда долзарб ва зарурдир.

Диссертация тадқиқотининг ушбу диссертация ўтказилган олий ўқув юрти илмий-тадқиқот иши режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент Давлат Стоматология Институтининг «Инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда организмнинг патологиядан олдинги ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» 2021-2022 йиллар учун мўлжалланган илмий-тадқиқот режаси асосида амалга оширилди.

Тадқиқот мақсади. Бачадон бўйнининг саратон олди касалликларини инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда даволаш самарадорлигини ошириш.

Тадқиқот вазифалари:

ЦИН ривожланиши учун прогностик хавф омилларини аниқлаш учун бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси билан касалланган аёлларнинг соғлиги ва маҳаллий ҳолатини ўрганиш (ретроспектив таҳлил);

ФЕМОФЛОР-16 усули ёрдамида комплекс даволашдан олдин ва кейинги босқичларда саратон олди касалликларда қин ва бачадон бўйни микроэкологиясини ўрганиш;

бачадон бўйни ясси эпителийнинг интраэпителиал неоплазияси билан касалланган аёлларни даволаш динамикасида маҳаллий иммунитет ҳолатини қиёсий жиҳатдан баҳолаш ;

ЦИН билан касалланган аёлларда бачадон бўйни морфологик хусусиятларини ўрганиш;

кенг-майдонли радиотўлқинли аргон-кенгайтирилган электрожарроҳлик ҳамда ультратовуш кавитация усуллари ёрдамида бачадон интраэпителиал неоплази билан касалланган аёлларда янги комплекс даволаш усулни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Тадқиқот объекти сифатида бачадон бўйни хавфсиз ўсма касалликлари аниқланган аёлларнинг 455 та касаллик тарихи хизмат қилди (ретроспектив тадқиқот). Бачадон бўйни бачадон интраэпителиал неоплазияси билан касалланган 116 беморни проспектив ўрганилиб, шундан: 1–гуруҳ (асосий) бачадон бўйни саратон олди касалликлари аниқланган 65 нафар бемор ташкил қилиб, кенг майдонли радиотўлқинли аргон-кенгайтирилган электрожарроҳлик ҳамда ультратовуш кавитация усуллари қўлланилди; 2-гуруҳ (таққослаш) ЦИН касаллиги аниқланган 51 нафар бемордан ташкил топиб, диатермоэлектрокоагуляция ёрдамида бачадон бўйни конизацияси ёки эксцизияси орқали анъанавий даволашни ўз ичига олган.

Тадқиқот предметлари- периферик қон ва унинг зардобии лаборатория тадқиқотлари, иммунологик тадқиқотлар учун бачадон бўйнидан суртма, микробиоценозний ўрганиш учун вагинал суртма, морфологик тадқиқотлар учун бачадон бўйни биоматериаллари ишлатилган.

Тадқиқот усуллари. Умумий клиник, инструментал, бактериологик, биокимёвий, иммунологик, морфологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

интраэпителиал неоплазия билан касалланган беморларда патоген бўлмаган микроорганизмлар таркибининг пасайиши ва шартли патоген микрофлоранинг кўпайиши оқибатида вагинал микробиоценозда шартли ёки аниқ анаэроб дисбиоз шаклида чуқур ўзгаришлар шаклланиши исботланган;

бачадон бўйни неоплазисии билан оғриган беморларда маҳаллий цитокинлар фаолияти, яъни IL-1 β синтези TNF α пасайиши, фагоцитларнинг фаолиятини бузилишига олиб келиши, унинг оқибатидаги вируслар персистенцияси касаллик кечишини оғирлаштириш эҳтимоллигини ошириши асосланган

бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси билан оғриган беморларни даволашда кавитацияланган эритмалардан фойдаланиш маҳаллий биоценознинг тикланишига олиб келиши исботланган;

илк маротаба бачадон бўйни неоплазияларида патогенетик даво сифатида кавитацияланган эритмалар билан олдиндан санация қилинганидан кейин кенг чизиқли радиотўлқинли аргонли электрожарроҳликдан фойдаланиш усулини қўллашнинг юқори самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Амалий соғлиқни сақлаш тизиму учун ўзбек аёллари популяциясига хос бўлган бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси ва бачадон бўйни саратони учун асосий хавф омилларининг прогностик шкаласи ишлаб чиқилган ва илмий асосланган бўлиб, балли тизимда баҳоланиб, хавф гуруҳларини шакллантириш ва устувор скрининг текширувини ўтказиш имконини беради.

Ултратовуш кавитация усулининг юқори самарадорлиги исботланиб, бу жарроҳлик усули билан даволашдан олдин ва кейин қиннинг микроэкологиясини нормаллаштиришга имкон бериб, бу эса ЦИН электрожарроҳлик усули самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин. Ултратовуш кавитация билан биргаликда кенг плазмали аргоноплазматик энергиясидан фойдаланган ҳолда ЦИН ни комплекс даволаш усули ишлаб чиқилган ва амалиётга татбиқ етилган. Клиник, микробиологик ва иммунологик тадқиқотлар янги даволаш усулининг анъанавий усуллардан устунлигини исботлади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий, қўшимча клиник, лаборатор-инструментал ва статистик усуллар, етарлича беморлар сони, экспериментал материаллар, олинган натижаларнинг назарий ва амалий ҳисоб-китобларга мувофиқлиги, хорижий ва маҳаллий тадқиқотлардан олинган натижаларни таққослаш, хулосалаш билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясида бачадон бўйни ва қиннинг микроэкологияси ва маҳаллий иммунитет ҳолатининг бузилишини аниқлашдан иборат бўлиб, уларни олдинини олмаслик электрожарроҳлик даволаш натижаларига салбий таъсир қилади; кавитацион эритмалар ёрдамида пастки жинсий аъзолар ҳолатини яхшилашнинг тавсия этилган усули даволашга ижобий таъсир кўрсатиб, даволашнинг самарадорлиги, даволаниш вақтини қисқартиришга, нохуш клиник симптомларни тезда йўқотишга, эпителизациянинг тез шаклланишига ва майин чандиқ тўқималарининг шаклланишига олиб келади. Даволашнинг узоқ муддатли натижалари аёлларнинг ҳайз ва репродуктив функциясини тўлиқ тикланиши ва касалликнинг қайталанишининг йўқлиги ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар асосида ЦИН ва бачадон бўйни саратони ривожланиши учун хавф омилларининг прогностик шкаласи ишлаб чиқилган ва амалга оширилган бўлиб, бу биринчи навбатда скрининг тадқиқотлари ва керак бўлганда даволашга мухтож бўлган хавф гуруҳларини шакллантиришга имкон беради;

Ултраовуш кавитацияси ва кенг майдонли аргоноплазматик энергиядан фойдаланган ҳолда илмий асосланган комплекс даволашни жорий этиш аёлларни ЦИН билан даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини сезиларли даражада яхшилаши аниқланган.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши. Цервикал интраэпителиал неоплазия ривожланишининг клиник, иммунологик, микробиологик ва морфологик хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари асосида: "Цервикал интраэпителиал неоплазиянинг клиник, иммунологик ва микробиологик параллелари" услубий тавсиялари тасдиқланди (Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг №8н-д/1238 хулосаси, 09.11.2022 йилдан). Ушбу кўрсатмалар умумий амалиёт шифокорлари ва акушер-гинекологлар учун мўлжалланган. "Цервикал интраэпителиал неоплазия билан касалланган беморларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда комплекс даволаш самарадорлигини баҳолаш" услубий тавсиялари Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг №8н-д/1239 хулосаси, 09.11.2022 йилдан) ишлаб чиқилган ва соғлиқни сақлаш амалиётида жорий этилган. Ушбу услубий тавсиялар инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ЦИН диагностикаси ва комплекс даволашнинг янги қўшимча усуллари амалиётга жорий этиш имконини берди;

Олинган илмий натижалар амалий соғлиқни сақлаш соҳасида, хусусан, ТТА клиникасининг гинекология бўлими ва «Family Doctors» клиникасининг клиник лабораторияси амалиётида амалга оширилди (ТДСИ илмий Кенгашининг 3-сонли 1.11.2023 йилдаги баённомаси).

Электрон ҳисоблаш машиналар учун дастур ишлаб чиқилди ва амалга оширилди: "бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясини даволаш самарадорлигини ошириш дастури" (RMPSGM-Ins.exe), Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган № DGU 18871 (от 12.12.2022 г.)

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Диссертация тадқиқоти натижалари 5 та илмий-амалий конференцияларда, жумладан, 4 таси Халқаро ва 1 таси Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларини нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шундан 15 та мақола илмий журналларда, шу жумладан, 8 таси республика, 7 таси хорижий докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини нашр этиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми адабиётлар рўйхати билан бирга 159 бетдан иборат. Мазкур илмий иш 10 та график, 21 та расм ва 14 та жадвал билан тасвирланган. Адабиётлар рўйхатига ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги 187 та адабиёт манбалари киритилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланган, мақсад ва вазифалари, тадқиқот объекти ва субъектлари тавсифланган, тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий-амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш тўғрисида маълумотлар берилган, экспертизадан ўтказиш натижалари, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи «**Бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси муаммосига замонавий қарашлар**» адабиётлар шарҳи бобида бачадон бўйни интраэпителиал неоплазиясининг асосий сабаблари, бу жараёнда инсон папилломавирусининг роли, жараённинг оғирлигига қараб замонавий диагностика ва даволаш усуллари бўйича тадқиқотларнинг назарий жиҳатлари таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Тиббий амалиётнинг бошқа соҳаларида аргонеплазматик энергия ва ултратовушли кавитациядан фойдаланиш, шунингдек, ушбу муаммонинг ҳал қилинмаган ёки тушунтиришни талаб қиладиган жиҳатлари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» иккинчи бобида тадқиқотнинг дизайни, ўрганилаётган гуруҳларнинг хусусиятлари, клиник материалнинг умумий хусусиятлари, тадқиқот усуллари тавсифланган. 2019 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда белгиланган вазифаларга мувофиқ, бачадон бўйни касалликлари билан касалланган аёлларнинг 455 амбулатор ва стационар тиббий ҳужжатларнинг ретроспектив тадқиқотлари ўтказилди. Улар орасида ЦИН билан касалланган 103 бемор аниқланди. Бачадон интраэпителиал неоплази билан 116 беморларнинг проспектив тадқиқоти

ўтказилиб, улар 2 гуруҳга бўлинди: асосий гуруҳни - 65 нафар аёл ташкил қилиб, даволаш жараёнида инновацион технологиялар қўлланилиб, таққослаш гуруҳини - 56 нафар аёл ташкил қилиб, анъанавий тарзда даволанган. Назорат гуруҳини гинекологик касалликлар мавжуд бўлмаган таққосланадиган ёшдаги 30 нафар аёлдан иборат эди. Ишда умумий клиник, лаборатория тадқиқотлари, шунингдек махсус тадқиқот усуллари қўлланилиб, қўйидагиларни ўз ичига олди: ПАП-тест, ОПВ тести, кольпоскопия, ФЕМОФЛОР 16 ёрдамида бачадон бўйни ва қин микробиосенозини ўрганиш, бачадон бўйни маҳаллий иммун ҳолатини ўрганиш ҳамда морфологик тадқиқотлар амалга оширилди. Проспектив тадқиқотлар анъанавий ва янги даволаш усуллари ЦИН билан касалланган 116 аёлда махсус тадқиқот усулларидан фойдаланган ҳолда даволанишга тайёрлаш, ўтказиш ва натижаларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилишни ўз ичига олди.

Гинекологик текширув. Текширув шикоятларни баҳолаш билан бошланиб, шу билан бирга тиббий анамнез ва объектив тадқиқот маълумотлари, лаборатория ва инструментал текшириш усуллари натижалари ўрганилди. Анамнестик маълумотлар тўпламига шикоятлар, экстрагенитал патология, гинекологик касалликлар, операциялар мавжудлиги ҳақидаги маълумотлар киритилган. Олдинги ҳомиладорликнинг паритети, кечиши ва натижалари ҳақида маълумот йиғилди. Олинган барча маълумотлар диссертация ишнинг барча тадқиқотлари ҳисобга олинган ҳолда биз томонидан ишлаб чиқилган махсус карталарга киритилди. Биологик материалларни йиғиш ва шахсий маълумотларни қайта ишлаш учун ҳар бир текширилган аёлдан ихтиёрий ёзма розилик олинди.

Цитологик тадқиқотлар ТМА клиникасининг 3-клиник лабораториясида ўтказилди. Ушбу турдаги тадқиқот беморни дастлабки даволашда (даволаш бошланишида), шунингдек даволанишдан кейин 6 ва 12 ой ўтгач, унинг самарадорлигини баҳолаш ва касалликнинг қайталанишини аниқлаш мақсадида ўтказилди.

ВПЧ нинг ПЦР диагностикаси. Паст онкоген ва юқори онкоген турдаги ВПЧ (16, 18) ДНК мавжудлигини аниқлаш мақсадида ТМА клиникасининг 3-лабораторияси асосида умумий қабул қилинган методика ёрдамида стандарт тадқиқотлар ўтказилди.

Инфекциялар диагностикаси. Қин ва бачадон бўйни каналининг микробиосенози ГВИ, ЦМВ, ВЭБ, хламидия, микоплазма, уреоплазма ва бошқа микроорганизмларни аниқлаш Дермато-венерология ва косметология РИАМнинг илмий диагностика лабораториясида иммунофермент анализ (ИФА) ёрдамида амалга оширилди (лаборатория раҳбари Холидова Х. Р.). Бунда қин ва бачадон микробиомасининг сифатий ва миқдорий таркибини аниқлаш имконини берувчи "Фемофлор-16" ("ДАК-технология" ИИБ, РФ) комплек қўлланилган (23 микроорганизмлар ҳамда УБМ, *Lactobacterium spp*).

Бачадон бўйни ва қиннинг маҳаллий иммунитет ҳолатини аниқлаш. Иммунологик тадқиқот усуллари Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси инсон иммунологияси ва геномикаси институтида Гариб Ф.Ю. ва бошқ. (1995) усули бўйича LT сериядаги моноклонал антитаналардан

фойдаланган ҳолда иммун ҳолатининг асосий кўрсаткичларини миқдорий аниқлаш усулларида фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Бачадон бўйни биопсияларининг функционал ва морфологик тузилишини аниқлаш бўйича **гистоморфологик тадқиқотлар** Тошкент Давлат стоматология институти патологик анатомия кафедраси асосида доцент Г. Д. Реимназарова раҳбарлигида олиб борилди.

Инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда ЦИНни даволаш усуллари. Даволашнинг электрожарроҳлик усули «ФОТЭК ЕА 141М» қурилмаси ёрдамида амалга оширилиб, ушбу қурилма гинекология соҳасида қўлланиладиган ягона модель бўлиб, бир вақтнинг ўзида диагностика манипуляцияларни (биопсия олиш) амалга оширишга ҳамда юқори самарали даволанишни амалга ошириш имконини беради. Ультратовушли кавитация биологик тўқималарга паст частотали ултратовуш тебранишлари ва кавитацияланган нозик дисперсли доривор эритмалар, яъни ултратовуш кавитацияси орқали таъсир қилиш учун мўлжалланган "АКТИТОН А" қурилмаси томонидан амалга оширилди.

Натижаларни статистик қайта ишлаш учун "Биостатистика" ва "Microsoft Office Excel 2010" дастуридан фойдаланган ҳолда шахсий компютер учун дастурий таъминот дастурларидан фойдаланилган.


Диссертациянинг «**Бачадон бўйни хавфсиз ўсма касалликлари аниқланган беморларнинг клиник ва лаборатория хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида бачадон бўйни хавфсиз ўсма касалликлари билан касалланган аёлларнинг тиббий тарихини ретроспектив таҳлил натижалари ҳамда 455 амбулатория карталар маълумотлари келтирилган. Текширилган аёлларнинг ёши 26 ёшдан 47 ёшгача бўлган. Ўртача ёш $29,8 \pm 5,13$ ёшни ташкил этди. Умуман олганда, беморларнинг ёши ошгани сайин бачадон бўйни касалликлари учрашининг динамик ўсиши кузатилди. Уларнинг деярли ярми уй бекалари эди (49,5%). Беморларнинг аксарияти гинекологик ёрдамга йилига камида 1-2 марта (79%) эҳтиёж борлигини таъкидладилар.

Бачадон бўйни патологияси билан бирга беморларнинг 68,6 фоизида қўшимча гинекологик касалликлар аниқланиб, уларга бачадоннинг яллиғланиш касалликлари (12,0%) ва бачадон қўшимчалари яллиғланиш касалликлари (9,0%), эндометрийнинг гиперпластик жараёнлари (15,0%), қин ва вулванинг ўткир қиррали кондилomalари (23,2%), мултифолликуляр тухумдонлар (9,0%), бачадон миомаси (5,1%), эндометриоз (5,1%), бачадон канали полиплари (22,5%), диффуз мастопатия (66,2%) кабиларни ўз ичига олди. Цервицит яллиғланиш жараёнлар орасида алоҳида ўрин тутиб, уларнинг частотаси йиллар давомида юқори даражада бўлиб – 2019 йилда 61,7%, 2020 йилда 60,6 % ва 2021 йилда 58,7 % ни ташкил қилди. Бачадон бўйни дисплази (20,2 дан 24,7% гача), ҳужайра атипияси билан кечувчи лейкоплакия (0,6 дан 1,7% гача), аденоматоз (14,7 дан 21,2% гача) каби патологик жараёнлар частотасининг динамик ўсиши аниқланди.

Ташхис клиник кўриниш ва ултратовуш маълумотлари асосида текширилди. Бепуштлиқ 24 (6,4%) аёлда, шу жумладан 12 (3,3%) бирламчи бепуштлиқ аниқланди. Ўрганилганларнинг 39 фоизида ҳайзнинг бузилиши

аниқланди. Дисменорея 20,2% да, анормал бачадондан қон кетиши — 18,8% да аниқланди.

Тиббий хужжатларни ўрганиш ЦИН билан касалланган аёллар орасида соматик касалликнинг юқори даражалилигини кўрсатди.. Дерматологик патологиянинг юқори даражаси - акне, сизиллар, псориаз, папилломалар ЦИН билан касалланган аёлларнинг 42,6 фоизида учраб, бу назорат гуруҳидан деярли 4,5 баравар юқори эди ($p < 0,05$).



1-расм. Қўшимча гинекологик касалликлар

Цистит ва пиелонефрит кўринишидаги сийдик тизимининг яллиғланиш касалликлари ЦИН билан касалланган ҳар бешинчи аёлда (22,0%) аниқланиб, бу назорат гуруҳига қараганда (6,7%) бир неча баравар юқори эканлиги кўрсатди. Шунини таъкидлаш керакки, беморларнинг 67 фоизида енгил анемия, 16 фоизида ўртача анемия, беморларда 2-3 ҳомиладорлик ва камида 2-4 туғиш тарихи бўлган. Бундан ҳомиладорлик ва туғилиш сонининг кўпайиши бачадон бўйни ҳолатига салбий таъсир этиши ва ЦИН ривожланиши учун муҳит деб тахмин қилиш мумкин.

Ҳомиладорликнинг патологик натижаларининг частотаси, хусусан эрта туғиш, бола тушиши, ривожланмайдиган ҳомиладорлик ЦИН билан касалланмаган аёллар кўрсаткичлардан 2 баравар юқори эканлиги аниқланди ($p < 0,05$). Тиббий хужжатларнинг ретроспектив таҳлилига кўра, клиникага мурожаат қилганларнинг 455 беморида турли хил бачадон бўйни патологияси ва диагностика, терапия ва кузатувни талаб қиладиган ҳолатлар мавжудлиги аниқланди. Бизнинг кузатишларимиз шунини кўрсатдики, саратонга олиб

келувчи касалликлар сони йилдан-йилга ортиб бориб, эҳтимол, бу яхшиланган диагностика билан боғлиқдир.

Сўнгги йилларда бачадон бўйни патологияси билан касалланиш 1,5 баробар ошди. Шу билан бирга, ёш жиҳатидан асосан 37-45 ёшга тўғри келиб, ҳаётнинг ушбу даври алоҳида хушёрликни талаб қилади. Тадқиқотларимиз шуни кўрсатдики, ЦИН билан касалланган аёлларнинг умумий ва репродуктив саломатлиги индекси тез-тез учрайдиган юқумли ва вирусли касалликлар (ҳар бир аёлга 3,5 та касаллик, ҳайз кўриш функциясининг бузилишининг юқори частотаси, кўп сонли туғиш ва абортлар сони) туфайли паст бўлиб чиқди. Баҳолаш жараёнида иммунитет танқислигининг ривожланишига ва маҳаллий иммунитет жараёнларини бостирилишига олиб келувчи омиллар, шунингдек, маълум салбий омил мавжуд бўлганда патологик жараённи кўзғатувчи омилларга бўлиниши мумкин бўлган омиллар гуруҳи аниқланди. Олинган маълумотлардан Бачадон бўйни саратонининг хавф омиллари тўғрисида маълум хулосалар чиқариш мумкин. Олинган маълумотларга асосланиб, бачадон бўйни интраэпителиал неоплазияси хавфини башорат қилиш учун жадвал ишлаб чиқилган (1-жадвал).

Фойдаланиш қулайлиги учун биз ЦИН ривожланишининг 10 та асосий хавф омилни аниқладик. Бунга аёлнинг ёши, туғилиш ва абортлар сони, хамроҳ бўлган юқумли касалликлар, кенг тарқалган соматик касаллик - анемия, фон касалликлари ҳамда бачадон бўйни шикастланиши, жинсий ҳаётнинг табиати, гормонал касалликлар ва гормонал конирацепция воситалардан узоқ муддатли фойдаланиш, ОПВ инфекцияси, ОИВ ва бошқа жинсий йўл билан юқадиган инфекциялар асосида юзага келувчи иккиламчи иммуносупрессия каби омилларни ўз ичига олди. Цитологик тадқиқотлар натижалари ЦИНнинг оғирлигини аниқлашда жуда муҳимдир. Ҳар бир параметр 0 дан 2 баллгача баҳоланди. Баллар йиғиндисининг тақсимланишини 0 дан 30 гача бўлганлигини ҳисобга олсак, хавф даражасига кўра градация оғирлик даражасига тенг эди. 0 дан 10 баллгача индивидуал равишда баҳоланганда, хавф паст деб баҳоланиши мумкин. 10 дан 20 баллгача - ўртача даража ва 20 дан 30 баллгача - юқори даражадаги хавф деб қаралди. Шунга кўра, бачадон бўйни саратони ривожланишининг аниқланган хавфи бачадон бўйни патологияси бўлган аёлларни кузатиш тактикасига асосланиши керак. Бачадон бўйни саратони хавфи ўртача ёки юқори бўлган аёллар (10 дан 30 баллгача) биринчи навбатда текширилиши керак. Аммо бу миллий стандартларда назарда тутилган мунтазам скрининг ўтказилмаслиги керак дегани эмас.

Диссертациянинг «**Цервикал интраэпителиал неоплазиядаги клиник ва морфологик параллеликлар**» номланган тўртинчи бобида бачадон бўйни биопсиясининг клиник, лаборатория параметрлари ва морфологик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. 2020 йилдан 2022 йилгача бўлган даврда тўлиқ текширувдан сўнг биз турли даражадаги ЦИН ташхиси қўйилган 116 аёлни аниқладик. Беморлар 2 гуруҳга бўлинган: асосий гуруҳ (65 киши) - инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда янги усул ёрдамида даволанган. Таққослаш гуруҳи анъанавий даволанишни олган ЦИН билан

касалланган 51 бемордан иборат эди. Бачадон бўйни патологияси бўлмаган 30 та деярли соғлом аёлларнинг маълумотлари назорат сифатида хизмат қилди. Ташхис ОПВ га текшириш ҳамда клиник, колпоскопик ва цитологик усуллари асосида ўрнатилди.

ЦИН билан касалланган деярли ҳар иккинчи бемор (38,7%) анамнезида ёки текширув даврида ҳайз даврининг бузилиши, ЦИН билан касалланмаган гуруҳда эса атиги 17,1% ($p < 0,05$) бўлган. Акушерлик тарихини ўрганиш шуни кўрсатдики, асосий гуруҳдаги аёлларнинг 69,3% 2 дан 4 гача ҳомиладорлик бўлган, назорат гуруҳида эса асосон (68,2%) 1-2 ҳомиладорлик бўлган.

1-жадвал

Анамнезидаги ўтказилган гинекологик касалликлар

Кўрсаткичлар	ЦИН билан касалланган аёллар n=116		Назорат гуруҳи n=30	
	абс.	%	абс.	%
Анамнезидаги гинекологик касалликлар				
Цервицит, кольпит	124	57,1*	10	33,3
Сурункали аднексит	89	66,9*	6	19,9
Бачадон бўйни эрозияси	18	11,5*	1	3,3
Лейкоплакия, эритроплакия	6	3,8*	-	-
Тухумдон кистаси	29	18,6*	2	6,7
Сактосальпинкс	17	12,4*	1	3,3
Бачадон миомаси	11	7,1*	1	3,3
Бачадон бўйни полиплари	15	9,6*	1	3,3
Анамнезда ўтказган гинекологик операциялар				
Тухумдон кистаси	12	7,7	2	6,7
Бачадон миомаси	5	3,2*	-	-
Эктопик ҳомиладорлик	6	3,7	1	3,3
Аденомиоз	7	4,5*	-	-

Изоҳ: * - $p < 0,05$ назорат гуруҳига нисбатан

Анамнезга кўра, ўрганилган аёлларда энг кўп учрайдиган асоратларлардан бири спонтан абортлар (18,3%) ва эрта туғиш (7,4%) эди. Кўпинча асосий гуруҳда ҳомиладорликни тўхтатиш хавфи аниқланиб (39,9%), беморларнинг 33,2 фоизида прееклампсия белгилари кузатилди, 27,5% да ҳомила ривожланишининг кечикиш синдроми аниқланди ва олиго- ёки полигидрамниоз 29,8 фоизида ҳомиладорликни мураккаблаштирди.


Жадвалдан кўриниб турибдики, ўрганилганларнинг аксарияти анамнезда битта ёки бир нечта гинекологик касалликларга чалинганлиги маълум бўлди. Пастки ва юқори жинсий йўлларнинг яллиғланиш касалликлари биринчи ўринда бўлиб: цервицит, колпит (57,1%), аднексит (66,9%), бу ЦИН ривожланиши ва репродуктив тизимнинг олдинги яллиғланиш касалликлари ўртасидаги шубҳасиз боғлиқликни кўрсатади. Шуни таъкидлаш керакки, ЦИН

билан касалланган аёлларнинг 34,9% (учдан биридан кўпроғи) бачадон бўйни патологияси аниқланиб, улардан ҳатто 19 нафар беморда илгари псевдоэрозия, лейкоплакия ёки дисплази сабабли деструктив даволаниш амалга оширилган.

Текширилган аёлларнинг соматик саломатлигини ўрганиш (2-расм) уларнинг деярли ҳар иккинчиси қандайдир сурункали экстрагенитал патологиядан азият чекканлиги аниқланди. Шундай қилиб, анамнезга кўра, ЦИН билан касалланган аёлларнинг 89,0 фоизида болаликдаги юқумли касалликлар (қизамиқ, қизилча, сувчечак, паротит, ўткир респиратор инфекциялар, томоқ оғриғи, грипп) билан касалланганлиги мавжуд бўлди. Соматик касалланиш кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, энг кўп учрайдиган патологиялар болаликда ўтқазган юқумли касалликлар, айниқса ЛОР аъзолари, қалқонсимон без касалликлари, анемия ва сийдик тизимининг яллиғланиш жараёнлари бўлган. Нисбий хавф ва унинг мумкин бўлган тебранишларининг муҳим аҳамиятга ега бўлган чегараларини ўрганиш шуни кўрсатдики, 1 - ўрин юқумли касалликларга (ОР = 16,9), 2 – болаликдаги ўтқазган юқумли касалликларига (сувчечак, паротит, ОР = 12,1), 3-ўрин юқумли касалликларга сурункали ЛОР-органлар касалликларига (ОР = 9.1), 4-сийдик тизими касалликлари (ХР = 7.2), 5 - қалқонсимон без касалликлари (ОР = 6.0) га тегишли эканлиги аниқланди.

Жинский органларнинг ўсмалари ривожланишига ирсий омиллар ва оилавий мойилликни таҳлил қилиш ўрганилган иккала гуруҳдаги ишончсиз фарқларни кўрсатади. Шундай қилиб, асосий гуруҳдаги аёлларнинг 6,8% ва назорат гуруҳининг 4,7% энг яқин қариндошларида (оналар, опа-сингиллар, қизлар) жинский аъзолар неоплазмалар мавжудлигини кўрсатди. Колпоскопик текширув маълумотлари шуни кўрсатадики, нормал колпоскопия, шу жумладан ҳақиқий ясси эпителий, цилиндрсимон эпителий ва нормал трансформация зонаси белгилари мавжудлиги асосий гуруҳдаги текширилган беморларнинг 24,2 фоизида ва таққослаш гуруҳида сезиларли даражада кўпроқ бўлиб, 69,7% ($p < 0.001$) ни ташкил қилди. Бачадон бўйни биопсияси, шунингдек, бачадон бўйни соҳасидан суртма олиш олиш ЦИН диагностикаси учун " олтин стандарт " деб ҳисобланади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, бу усулларнинг сезгирлиги 86,7%, хослиги 90,4% ни ташкил қилади. Морфологик текширувни ўтқозиш учун 76 аёлнинг дастлабки Папаниколау усули ёрдамида олинган суртмаларнинг цитологик текшируви (ПАП тести) ва йодсиз зоналарни аниқлаш усули ёрдамида кенгайтирилган колпоскопия ҳамда бачадон бўйни конизациясидан кейин бачадон бўйинидан мақсадли биопсия вақтида биоптатлар олинган.




2-расм. Соматик патологиянинг нисбий хавф индексига қараб тақсимланиши (100 текширилган беморларга нисбатан)

